

Ma'rifaat

معرفت
MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 йил 30 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

№ 81 (6577).
Баҳоси 1 сўм 50 тийин.

ЮБИЛЕЙ КОМИССИЯСИДА

26 сентябрь кўни атоқли адиб, давлат ва жамоат ар-боби Шароф Рашидов та-валлудининг 75 йиллиги му-носабати билан тузилган ҳу-кумат комиссиясининг нав-батдаги мажлиси бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вази-рлар Маҳкамаси Раиси-нинг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков бошчили-гида ўтган бу мажлисда юбилейга тааллуқли кўпгина масалалар муҳокама этил-ди.

Мажлисда юбилей билан алоқадор қурилишларнинг бориши тўғрисидаги ахборот тингланди. Қашқадарё ви-лоят ҳокимлигининг Тали-маржон ГРОСИГА, Хоразм вилоят ҳокимлигининг Хон-қа ноҳиясидаги «Ленин-град» давлат хўжалиги, Мелiorация ва сув хўжали-ги вазирлигининг Андижон сув омборига Шароф Ра-шидов номини бериш тўғри-сидаги таклифлари ҳам кў-риб чиқилди.

Юбилей комиссиясининг қарорига кўра Қашқадарё ва Хоразм вилояти ҳоким-ликлари ҳамда республика Мелiorация ва сув хўжали-ги вазирлигининг таклиф-лари инобатга олинб, юко-рида зикр этилган жойларга Ш. Рашидов номини бериш маъқулланди.

Ш. Рашидов дастлаб дафн этилган жойда унинг бости ўрнатилиб, бу ер Шароф Рашидов ҳаёти деб ата-ладиган бўлди. Я. Шапиро яратган бу ёдгорлиқнинг ўзинга хос жиҳати шуки, унда Шароф Рашидов миллий тўнда тасвир этилган. Юби-лей таштаналари 5 ноябрь кўни Тошкентда ана шу бостнинг очилишига бағиш-ланган митинг билан бош-ланиб, эртаси кўни Жиззах-да катта халқ сайли билан якунланди.

Ҳукумат комиссияси юби-лей таштаналари билан бо-лиқ яна кўпгина масалалар-ни кўриб чиқди. Шароф Рашидов юбилей комиссияси навбатдаги маж-лисини 16 октябрь кўни Жиззах шаҳрида ўтказишга қарор қилди.

А. АЗИМОВ,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон—Туркия

Ўзбекистон мустақиллиги-ни биринчилар қатори та-н олган ва ҳар томонлама ҳам-корлик алоқаларини тобора кенгайтириб, амалда намоён этаётган давлатлардан бири Туркиядир. Ўзбекистон Пре-зидентининг Туркияда бўли-ши, Туркия Бош вазирининг республикамизга сафари пай-тида имзолаган ўзаро ҳам-корлик шартномалари асоси-да ҳар икки давлат ўртаси-даги иқтисодий, маданий, маърифий алоқалар ривож-ланиб бормоқда. Кўпгина жаҳалларда бўлганидек, халқ таълими соҳасидаги алоқа-ларда, битимлар асосидаги амалий фаолиятда бундан яқ-қол кўриш мумкин. Ўзбеки-стон халқ таълими тизими ходимлари делегациялари-



Дўстона фаолият кўзгуси

нинг Туркияда бир неча бор бўлиши, Туркия маорифчи-ларининг Ўзбекистонга кет-ма-кет таширлари ўзаро тузилган битимларда белги-ланган мақсадларнинг тез-роқ рўёбога чиқишига имкон бераётди. Ҳозир тест та-новларидан муваффақиятли ўтган юзлаб республикамиз ёшлари қардошлар мамла-кати ўқув юрталарига бориш таълим олаётгани, Ўзбеки-стонда туркияликлар кўмаги-да очилган лицейларда ўқи-қиларимиз ўқини бошлаб юборганликлари ҳам амалий фаолият маъқулдир. Ана шу ҳамкорликни янада ке-нгайтириш ҳар икки мамла-кат маорифчиларининг асо-си қилдиқ-этиборида бўлиб келмоқда. Қўни-неча Туркия миллий маориф вазири Қўсал Топтан бошлиқ маориф-чилар делегациясининг Ўз-

бекистонга қилган навбатда-ги ташири ҳам ана шу дў-стона алоқаларни ривожлан-тиришиш кўзга тутади. Ўтган шанба кўни туркия-лик маорифчилар делега-циясини Тошкент аэропор-тида Ўзбекистон раҳбар-лик идораларининг масъул ходимлари, тошкентлик маорифчилар, жамоатчилик ва-киллари дўстона ва самий-ний кўтиб олдидлар. Қўчоқ очиб кўришувлардан сўнг меҳмонларга гулдасталар тақдим этилди. Туркия миллий маориф ва-зири Қўсал Топтан бошлиқ маорифчилар делегацияси Ўзбекистон Вази-рлар Маҳ-камасида қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси-нинг Бош вазири Абдулхў-шим Муталов туркиялик меҳ-монларга мустақил Ўзе-бекистоннинг янгилиниш йўли-

(Давоми 2-бетда).

Долзарб мавзу ҲАММИЗ МАСЪУЛМИЗ

«Яхши тарбия — бахтли кексалик-дир», деган доно халқимиз. Ҳақиқатда ҳам, фарзандлар яхши тарбияланса, яхши ўқиса, қаринан пайтда ота-она роҳатда бўлади. Бунинг акси бўлса, ота-онанинг ҳаёти қарликда гурбатда ўта-ди.

Мен ҳам кекса ўқитувчи сифатида бир нарсга қатъий ишонаманки, бола-лар тарбиясида онланинг, ота-онанинг роли, аҳамияти жуда ҳам каттадир. Фарзандлар тарбияси, камоли учун онла, мактаб, жамоатчилик ку-раш олиб бориши зарур. Бу учалда ташкилот масъулиятни ҳеч бир-бирига оширмасдан эндиликда астойдил иш олиб бориши жуда ҳам зарур. Чунки фарзандлар келажакимиз экан-лигини унутмаслик керак. Бу соҳада семимли «Маърифат» газетамиз анча ижобий ишларни амалга оширди.

Ўтган йили «Одобнома» бўйича жуда ибратли мақолалар босилиб чиқди. Мени ҳам баъзи тавсияларим бор. Бола-ларимизни тарбиялашда қўйидагиларга эътибор берилишини истар эдим. Биринчи таклифим шуки, ота-оналар ўз фарзандларининг тарбияси билан астойдил, ҳалол шуғулланиши зарур. Мен боқайман, тарбияни мактаб қил-син деган тўшунчани мутлақо ташлаш лозим. Болаларни ерқалатмаслик, худ-бин қилмаслик керак. Умуман, ота-она болаларининг дунёвий ва диний, эсте-тик тушунчаларини кенгайтириш учун доимо ҳаракат қилишлари лозим.

Мен яқинда Гулистон шаҳрида 11-синф ўқувчиси билан бирга бўлдим. Бола билан бир неча кун мулоқотда бўлдим. Боланинг фикр доираси ниҳоятда тор. Бирор нарсани сўрасам, оғим билани, оғимдан кўрқаман, дейди. Айтмоқчимани, болани ҳаддан таш-қари, чегаралаб қўймадик, мустақим фикр юритишига имкон беришлик ке-рак.

Болаларга ҳамма нарсани ўргатиш зарур. Агар ўргатмасак, улар олдий нарсани ҳам билмай қолишади. Яқинда Гулистон шаҳрида вилоят касалхонаси-да мен шундай бир хунук воқеанинг гувоҳи бўлдим. Менинг ёнимдаги ка-равотда 11-синф ўқувчиси ётарди. Шу бола ўлдирган келтирилган овқатни емасдан ҳоҳлатхонага ташлаб юборди. Бундай ёшлардан келажакда қандай одам чиқади.

Болалар предметлардан олдий са-волларга жавоб беришолмайди. Ота-она, синф раҳбари бунга нима дейди? Мактаб жамоалари ҳам эндиликда астойдил ишлашлари зарур. Дарс бериш-нинг янги услубларига амал қилишимиз, мактаб ва онла алоқасини мустақам-лаш керак.

Ота-она болани доимо кузатиши лозим. Унга доимо зарур тарбия, таъ-лимни берайлик, уни назоратдан қол-дирмайлик. Мен яқинда бир ғаройиб ишнинг гувоҳи бўлдим. Бир ўқувчи бола билан бир ветеран ўқитувчи кас-салхонада ёлма-ён ётипти. 11-синф ўқувчисининг ота-онаси катта амалдор экан. У боланинг бир ўзини алоҳида хонага ётқизишти, ветеран эса кўчи-лик одамлар ичиде ётди. Еш болага ҳар тарафлама ғамхўрлик кўрсатиш-ди, хизмати сингган киши эса умумий хонада қолди. Бу билан бир кишини кўнглига озор берилапти, бир бола эса ерқалатиб юборилапти.

Ҳаётда бундай воқеалар кўп учрай-ди. Албатта, бундай ишлар болалари-миз тарбиясига ёмон таъсир этмай қол-майди.

Жумҳуриятимиз мустақилликка эриш-ди. Лекин келажакда батамом иқтисо-дий мусакилликка эришишимиз зарур. Бунинг учун жумҳуриятимизга савод-сиз, эрқатой болалар эмас, ғайратли, саводли, маданиятли, ишбилармон одам-лар, инсонлар керак.

Мактабларимизда олиб борилаётган ишлар яхши, албатта. Лекин талабалар ҳам катта. Шуни ўйлашимиз, келажак авлодини ҳозирдан тарбиялаб, тайёр-лаб боришимиз керак. Ҳозирги иқтисо-дий аҳволимиз ҳаммага маълум. Шунга қарамай, иқтисодиётга кўп-роқ берилиб кетмасдан (афсуски, шун-дай), айниқса, қишлоқларга бола-ларимизнинг таълим ва тарбияларига кўп-роқ эътибор бериш зарур. Таълимда ҳам, тарбияда ҳам кўп гайлар, таклиф-лар айтилапти, эндиликда, амалий иш даркор.

К. РАСУЛОВ,
Сирдарё вилояти Бобўт райони-даги 21-ўрта мактабнинг тарих ва жамиятшунослик ўқитувчиси.

ҲАМКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Эртага Тошкент аэропортига биз учун азият меҳмонлар-ни олиб келадиган самолётлар бирин-кетин кўна бошлай-ди. Индинга 2 октябрда эса республика ўқитувчилар уйида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги аъзолари бўлган мамлакатлар таълим вазирларининг маслаҳатлашув уч-рашуви бошланади.

Бундай учрашув зарурлиги ўз-ўзидан равшан, — дейди ташкилий қўмита раиси, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари Музаф Муродович Қўрбонов. — Педагог кадрлар тайёрлаш, дарсликлар нашр этиш, яна санаш мумкин бўлган кўпжаб муаммо-ларни ҳал этиш масалалари собиқ иттифоқчи республика-лар — эндиликда мустақил давлатлар барча таълим вазирликларининг яқиндан ҳамкорлик қилишини тақозо этади.

Республикамиз халқ таълими вазири Жўра Ганиевич Иўдошев таклифи билан Мустақил давлатлар ҳамдўст-лиги мамлакатлари таълим вазирликларининг доимий ҳаракатдаги конференциясининг таъсис мажлисини чақи-риш ғояси туғилди. Учрашувга Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирув-чи барча мамлакатлар, Болтиқбўйи республикалари ва Грузиянинг таълим вазирликлари таклиф этилган. Турли сабабларга кўра Эстония, Гурзия, Озарбайжон Тошкентга делегация юбормасликларини билдиришти. Латвия ва Литва вакиллари учрашувда кузатувчи сифатида иштирок қилдилар. Таълим вазирлари учрашувда маъмур конфере-нцияда қатнашувчи мамлакатларнинг таълим муаммо-лари, таълим соҳасида биргаликдаги лойиҳалар ва дасту-рларнинг амалга ошириш, умуминсоний қадриятлар, ис-сонларнинг ва маданий мувоҳаза асосида мустақил миллий таълим тизимини ривожлантиришда ҳамкорлик қилишнинг йўллари ва таълим вазирликлари куч-ғай-ратларини мувофиқлаштириш восталарини муҳокама қилдилар.

Кун тартибига киритилган масалалар ва яқиний ҳужжатлар лойиҳаларини келишиб олиш учун конферен-ция қатнашчиси бўлган ҳар бир мамлакат давлатлараро экспертлар гуруҳи таркибига ўз вакиллари йўллаган. Маъмур экспертлар гуруҳи 28 сентябрдаёқ ўз ишини бошлаб юборди. Уларнинг иши қанчалик самарали экан-лигини конференция кўрсатади.

Конференциянинг ўтказиш учун ҳозирнинг ўзидеёқ ҳам-ма нарсга тахт. Ҳар бир делегацияга Тошкент шаҳар халқ таълими райони бўливлари, республика Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта маъсу-с таълим вазирликларининг масъул ходимлари жавобгар шахс сифатида бриктини-рилган. Пойтахтда муаммо-ларнинг бўлиши дастури ҳам индиндан иттифоқда мукамил ўйлаб, пухта тузилгандир. Жумладан, дастури бўйича делегация аъзолари А. Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат академик Катта театрида академик Ҳ. М. Абдуллаев юбилейига бағишланган кечада ҳам иштирок қилдилар.

— Ишонамизки, маслаҳатлашув учрашуви самарали бўлади, — деди М. М. Қўрбонов. — У бир-биримизни яхши тушунишга, ҳамкорликка, миллий таълим тизими-мизнинг боийишга хизмат қилади.

И. АУЛОВА,
мухбири.

Фарҳод РЎЗИЕВ,
иқтисод фанлари номзоиди.



ЭНТИВ ЯШАШГА МАҲКУМ ХАЛҚИМИЗ

ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙўЛИ» АСАРИНИ ЎҚИГАНДАН СЎНГИ УЙЛАР

Асримиз космонавтика, электроника ёки ахборот ас-ригина эмас, империяларнинг тугаши, мамлакатларнинг бўлиниши билан ҳам ўзига хосдир. Бу жараён яна да-вом этиши эҳтимолдан холи эмас. Дунё сиёсий харитаси мутлақо ўзгармоқда. Баъзи давлатларнинг чироғи аба-дий ўчди, янгилар дунёга келди.

Куба, Шимолий Корея ва қис-ман Албанидан бўлак бозор му-носабатлари ва демократик жа-мият модели сари оидламаётган мамлакат қолмади. Бундай ўга-ришлар Бразилия, Коста-Рика, Перу, Уругвай, Боливия, Ямайка, Жапон, Миср, Зимбабве, Танза-ния, Эфиопия, Никарагуа, Кам-боджа, Вьетнам, Мозамбик, Поль-ша, Болгария, Чехословакция, Юго-славия, Россия, Украина, Бело-русь, Болтиқбўйи, Кавказу Ўрта Осиё республикаларида ҳам содир бўлаётди. Хуллас, Овруподан тортиб Аме-рика, Осиё — Африка қитъалари-даги социализмнинг йўналиши ва ком-мунистик тузум ҳўқирон давлат-лар ҳаётида янги иқтисодий муно-сабатлар, кўппартиялик тизими ҳақиқатга айланди. Дунё ҳамжа-мияти демократияни ривожланти-рини муқарраб қилиб қўйди. Биз оролда яшамаямиз, табиики, юқоридеги жараёнлардан ажраб қолмаймиз. Ўзбекистон ҳам бо-зорга асосланган янги жамият қуриши заруратидир. Айна нақтда бу фақат мақсад эмас, балки янги

ди... Россия эса коммунистик маф-кура ўчоғи, аҳолининг каттагина қисми люмпенролетардир. Россия йўли анча қимматга тушади.

Мулоҳазани мухтасар этиб, дунё мамлакатлари тараққиёт таъри-басини умумлаштирсак, уларнинг ривожланиш йўли уч хил: эволю-ция, инқилобий ва ислоҳотдан иборатдир. Буларнинг ўхшаш ва фарқи томонлари ҳам бор. Ҳ-шашликнинг асл сабаби — ҳар қайси мамлакатда, рағни-рўйидан қатъий назар, инсон яшайди. Унинг эҳтиёжлари орасида фарқ кам. Фарқлиқ боиси эса, ўша мамла-кат ва унда яшайдиган халқлар-нинг хусусияти, урф-одади ва фа-зилатлари турличалигидир. Шун-дан Швеция модели, Япония мо-дели, Франция ёки Чили мо-дели, Сингапур ёки Жанубий Корея модели... деб аталади.

Ўзбекистон моделига ислоҳот, анкироғи, англандан ислоҳот йўли хосдир. Юртимизда шаклланган маънавий ва моддий ҳаёт даража-си, иқтисодий-сиёсий вазият муво-запати, объектив ва субъектив шарт-шароитлар республикамиз эво-люция ва инқилобий йўлдан юриш вариантини инкор этади.

Аслида эволюцион, йўл энг ишончлидир. Унда янги тузум, бозор иқтисоди ўз ошқларини се-кинлик билан очиб беради. Ҳар хил маънавий-руҳий, моддий си-нишлар кам рўй беради. Иқти-моий портлашларнинг олди олина-ди. Бирок бу узоқ давом этади. Биздаги сиёсий муҳит ва имконий-да ҳам бозор, Ҳозирнинг ўзидеёқ кўппартиявийлик вужудга келди.

юқори бўлиб, бозор иқтисодиёти-нинг «Шок терапияси» вариант-ни кўтаролмайди. Жамиятда таба-қаланиш, жиноатчилик кескин ошиши мумкин. Давлатнинг «ота-ларча» ғамхўрлиги руҳиятга ўр-ганиб қолган, халқимизнинг эса бунга одатланиши мушкул.

Учинчидан, юқоридеги икки ҳо-лнинг нохуш гирдобига тушиб қо-лмас, мустақиллигини қўлдан бой бериб қўйишимизга ёки ҳокимият тепасига мустамакпараст киши ўтаришига замин яратган бўлур эдик.

Аслини олганда, ҳар бир қада-мимиз англаб етилган ислоҳот йў-лидир. Шу босдан ҳам биз ернка зирҳидан қон томган курулорсиз тинч йўл билан эришимиз. Вазият шундай эдики, инқилобий ёки эволюцион йўл халқ донолигини тўғонага, юрт бошининг сиёсий маҳоратини зуравонликка айлан-тириши мумкин эди. Бунинг учун чор-атрофдаги бўлаётган воқеалар-ни эслаш кифой.

Энди эса Ўзбекистон учун — жаҳон озодлик ҳаракатидаги оламшумул қашфиёт. Ҳўтимилик, вақти ке-либ, Ўзбек модели эркин тараққиёт йўлига кирган баъзи давлатлар учун кўзгу вазифасини ўтайди. Агар Ўзбек кифийети Америка ва Европада ихтиро этилганда эди, унинг овозаси дунёни эгалла-б оларди. Меъмор эса Нобель му-нофотига тақдим этиларди. Афсу-ски, ҳозирча Ўзбек қашфиётининг овозаси икки дараё оралиғида қолиб кетаётди. Албатта, бунинг етарли-ча сабаблари бор. Бу ҳақда сал кейинроқ тўхталамиз.

Шундай қилиб, Ўзбекистон эволюцион ва инқилобий эмас, ислоҳот, анкироғи, англаб етилган ислоҳот йўлидан юришга мажбур. Бу модель эволюция ёки инқилобий йўли у ёки бу соҳада ўтказиш-ини инкор этмаган ҳолда ислоҳ қи-линадиган соҳаларни аниқ англаб етишимизни тақозо этади. Бунда янги давр учун даромадгирлар, замонавий бошқарув, иш юритиш усулини биладиганлар бармоқ би-лан саналгудек эмас, миллионлаб кишилардан иборат бўлиши кути-лади. Ҳаётда янги қондаларни, бозор усурларини қабул қилиш учун онг, тафаккур етилади, жа-миятни ўзгартириш учун объектив ва субъектив шарт-шароитлар му-возанати таъмин этилиб, иқтисодий сиёсий ва маънавий соҳада катта ислоҳотлар ўтказилади.

(Давоми 2-бетда).



ШАРОФ РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов узоқ йиллар давомида Ўзбекистонда раҳбарлик лавозимларида ишлаб, халқнинг меҳр-муҳаббатини қозонди. У кўп вақтини одамлар орасида ўтказди — чўпонлар ва пахтакорлар, завод ишчилари ва бинокорлар, олимлар ва ўқитувчилар ҳузурда бўлди.


Ўзбекистондаги ободончилик ишларида унинг мусоиб ҳиссаси борлигини кўпчилик яхши билади.

Саксоничи йилларда Шароф Рашидовни қоралаб, бу билан халқимизни таҳдирламоқчи бўлганлар ниятларига етолмадилар.

Шу кунларда жумҳуриятимизда Шароф Рашидов туғилган куннинг 75 йиллигига қизғин ҳозирлик кўриляпти. Жумладан, «Давр» ижодий уюшмаси Ш. Рашидов ҳақида публицистик фильм яратмоқда. Фильм сценарийсини А. Хужаев ва Б. Музаффаров ёзинган. Фильмнинг суратга олиш ишлари жадал давом этмоқда.

Суратда: фильм тасвирга тушириш жараёнида.

Сураткаш: С. МАХКАМОВ.



Мулоҳаза

ЁРДАМЧИ МАКТАБ ЁРДАМГА МУҲТОЖ

Ақли заиф ўқувчиларга касбни мактаб берадими ёки мактабни битиргандан сўнг ҳуна-техника билим юртаклари, деган савол мавжуд. Бизлар бунга «ҳуна-техника билим юртаклари», деб жавоб берамиз. Чунки ёрдамчи мактабда ўқувчиларга бирорта касбни мукамал ҳолда ўргатиш учун, биринчидан, мактабнинг моддий-техника таъминоти чегараланганлиги йўл бермайди. Иккинчидан, маълум бир соҳада касб ўргатиш учун муаллим ва усто (мастер) топилмаслиги мумкин. Яна бир ечимини кутатган масала: каровисиз ва етим қолган болалар учун махсус интернатлар ташкил этилмоқда. Лекин кўпгина бу болалар ҳатто ёрдамчи

мактаб ҳажмидаги билим-тарбия ҳам ўзлаштиришга қийналади. Демак, махсус мактаб-интернатларда таъбирлов синфлари очилса, бу гуруҳ болаларининг кейинги таълими ва тарбияси енгиллашар эди.

Ёрдамчи мактаб она тили ва ўқиб дарсликларни мақола, машқ, ҳикоя, эртака ва бошқа материалларнинг қизиқарли, ҳаётий, миллий бўлишидир. Дарсликларда ўзбек халқ оғзаки ижоди, Шарҳ мутафаккирлари А. Навоий, А. Жомий, Лутфий ва бошқаларнинг бебаҳо дурдоналарига кенг ўрин бериш керак.

Маълумки, нуқсонли туғилган боланинг тарбияси қанча эрта бошланса, шу-

ча юқори натижаларга эришилади. Ақли заиф болалар учун махсус яслилар, боғчалари ҳамма ерда ҳам очилиши мумкин бўлади. Бош режиссёр хонасида Ульяновск вилояти Қўғирчоқ театрининг ходими билан учрашиб қолдик. Маълум бўлишича, тез-тез бошқа республикалардан қўғирчоқ актёрлар гастроль сафарига келиб туришар экан. Бу ҳол артистларнинг ўзаро таърифи алмашишига кўмак берса, жажжи томошабинлар эса бошқа миллат ва элат санъаткорларининг санъатидан баҳраманд бўлишди. Театрнинг юраги бўлиши бош режиссёр билан кўришиш ниятини бор эди. Афсу-

А. САГАТОВ, педагогика фанлари номзода, Г. БЕРДИЕВ, ўқитувчи.

Тошкентнинг марказий кўчаларидан бири — Фазогирлар шох кўчасида гаройиб бир иморат бор. Уша ёққа йўлингиз тўсас, дилингиз гашиқдан фориғ бўлганини, қалбингиз қағида шодмонлик бош кўтарганини ҳис этасиз. Бунинг боиси шарқона тана нафаси, қувонч, мусиқа...

Борлиқни болабоннинг дағир-дунгури, қўғирчоқларнинг жаранги тутди. Узун бурунли мис одамча минорали оқ бинонинг пештоқидида чарх айланди, доирани бака-бумлатди. Бу ўзбек халқининг севимли қўғирчоқ қаҳрамонларидан бири Качал полвон бўлиб, у шу йўсинда Республика қўғирчоқ театрида томоша бошланганидан дарак беради.

Бу ерда болабонларни мўъжизалар кутди. Жаңжи тўғулган гаройиботлардан юксалиб завқ-шавққа ҳамла. Качал полвондан ташқари, қўғирчоқ Петрушка, ола-була Арлекин, қув Поллишнел, Зумрал ва Қимат, Золушка, жодугар кампир ва бошқа эртака қаҳрамонларининг олами эртака кириб боради. Улар билан биргаликда қуввал, биргаликда қайғурдилар. Шунинг ўзи санъаткор яратган мўъжизанинг айн ўзидир. Бинонинг ишланши ҳам қизил, фусункор. Деворлардан қўғирчоқ нақшлардан эртака ва мултифильм қаҳрамонлари ҳайратомуз боқиб туришди. Шўх фавворанинг заррачалари остида сеҳрли балқичалар жонлангандай, бир лаҳза қотиб қолгандай, товланувчи қамалак жилласи эса эшикларга ўрилатилган ойналарни минг тусда жилвалантиради. Пастки фойе деворларидида мис ҳамда керамикадан бунёд этилган қадимий шарқ шаҳарчасида сирли тилсимот — эртака яшайди. Театр музейи ойнаванд кўтиларидида турли мамлакат ва миллатга мансуб қўғирчоқлар саф тортиб турилибди. Уларнинг чеҳраларидаги ифода, эгниларидидаги турфа хил либослар беҳиш-тиёр эътиборни тортиди. Бундан ташқари, бу ерда театрининг босиб ўтган заҳматли ва шарафли йўли ҳақида ҳикоя қилувчи манбалар, қўғирчоқлар мавжуд. Томошабинлар залидаги қўғирчоқ созандагар гўё «Улмас Кўшеч» сеҳрлаб қўйган мисол қотиб туришди. Назаримизда, ҳозир бир мўъжиза содир бўлди-ю, сеҳрланган қўғирчоқ — одамлар жонланади ва қарнай-сурнай саҳнага осылган барқут пардага афсонавий қўш «Семурғ» тасвири туширилган. У қанотларини лағ ёзиб, парвозга шайлангандек тасаввур туғилади.

Қўғирчоқ театрини «Эртака олами» десак муболаға бўлмайди. Бу ерда кичкинтой томошабинларнинг маъза қилиб томоша кўришлари учун барча шарт-шароит яратилган. Театр шу қадар дил ва фаросат билан қурилганки, четдан қарагандаёқ бу бинонинг «Қўғирчоқ театри» эканлигини англаш мумкин. Театр директори Ширин Каримованинг таъна қараганда, бундай «Қўғирчоқ театри» биноси ҳамдўстлик давлатларида бор-йўри 2—3 тагина экан.

Театрни кўздан кеңирарканман, бу ерда болабонларнинг мириқиб томоша қилишлари мумкин эканлигига ишончим комил бўлди. Бош режиссёр хонасида Ульяновск вилояти Қўғирчоқ театрининг ходими билан учрашиб қолдик. Маълум бўлишича, тез-тез бошқа республикалардан қўғирчоқ актёрлар гастроль сафарига келиб туришар экан. Бу ҳол артистларнинг ўзаро таърифи алмашишига кўмак берса, жажжи томошабинлар эса бошқа миллат ва элат санъаткорларининг санъатидан баҳраманд бўлишди. Театрнинг юраги бўлиши бош режиссёр билан кўришиш ниятини бор эди. Афсу-

ки, уни топшининг иложи бўлмади. Директорнинг айтишича, ишдан бўшаб кетган экан. Директор маъмурий раҳбар, аммо, Ширин Каримова билан суҳбатимиз бесамар бўлмади. Ширин оламнинг вақти тигиз — гастролга келган ҳамкасблари билан аллақергалар боршмоқчи экан. Аксига олиб ўша кўни театрининг дам олиш кўни эди. Ширин опа театр биноси билан таништириб бўлгач, қўлимга росманя рисола, репертуар режиси ва бошқа ҳужжатларни берди. Телефон орқали мунтазам боғланиб турдик. Рисолани ўқир эканман, театрининг оғир ва машаққатли йўли босиб ўтганига амин бўлдим. Бу китобча тарих, ўтган воқеалар, ҳодисалар, кўнлар, лаҳзалар, одамлар, аллақачон дунёдан ўтиб кетган табаррук ва қадрдон сиймолар тўғрисида ҳикоя қилди. Марҳум қўғирчоқ актёр Тоҳир Маҳрамовнинг суратига қўғирчоқнинг юрагим жиллаб кетганини ҳис этдим. Ешлиқинг беғубор ва олижаноб кўнларидан бирида — бу санъаткор ҳақида эшитганман, унинг талқинидида қўғирчоқлар ўйинидан баҳраманд бўлганман.

Шушпанова, Н. Зайнутдинов, Е. Яковлева, А. Юлиская, Т. Маҳрамов, Л. Шақовалар қўғирчоқболлик санъатининг асл намояндаши эди. Ўзбек қўғирчоқ театри хусусида: — У дам олиш кўнлари кечагайди эсимда, — деб хотирлаган экан атоқли болалар шоири Сергей Маршак. — Болалар қўғирчоқ томошалар кўни — кичик эрталар қалъасини эрта тонгданоз забот этардилар. Томошалар ҳақидаги эълон театр репертуарининг ранг-баранглигини кўрсатиб турарди. Бу ўзининг драматургиясини, йўлини излаётган ва топаётган театр эди.

Театр репертуарини кўздан кеңирар эканман, бу санъат даргоҳида қўғирчоқ эртака қўғирчоқ пьесалари драматургиясининг гувоҳи бўлдим. Р. Ботировнинг «Сеҳрли чанок», Н. Ҳабидуллаевнинг «Фотиманинг саргузаштлари», «Зиёв Ботир», А. Қўблов ҳамда Л. Бобоқоновларнинг «Раҳим ҳамда қўғирчоқ», О. Олимжоннинг «Олғиз билан Вахтёр», А. Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», Ш. Саъдуллаевнинг «Качал полвон», Н. Рўзимуха

шер Мирзағиёв, Лола Валиева, Николай Кисилев, Наталья Гончарова, Ирина Манухомова, Яков Милер ва бошқа артистларни санаб ўтиш жоиз. Улар ўз санъатлари билан фақатгина республикамизда эмас, жаҳоннинг Бирма, Поникстон, Афғонистон, Франция, Хиндистон, Болгария сингари давлатларида ҳам бўлиб, ўзбек қўғирчоқболлик санъатини намойиш этганлар.

Ҳозирги кунда қўғирчоқ театри ўзбек ва рус тилларида фаолият кўрсатмоқда. Репертуарда жами 28 спектакль намойиш этилапти. Булардан «Ур тўқмоқ», «Учар қовуш», «Золушка», «Пахтаой», «Олтин қалитча», «Малика ва темирчи ҳақида эртака», «Олтин жузжа» ва бошқаларни томошабинлар мароқ билан томоша қилишарди.

Гап ўрни келганда директордан:

— Ширин опа, иқтисодий таълим шартинда театрга қўғирчоқларни қандай келтириш керак, рус тилидаги спектакллардан кўра ўзбек тилидаги спектаклларга келтириш керакми? — деб сўрадим.

— Бу томондан кўнглимиз тўқ, томошабин етарли. Пляни бажаришимиз, Аммо тўғриси айтиш керак, рус тилидаги спектакллардан кўра ўзбек тилидаги спектаклларга келтириш керакми? — деб сўрадим.

Директор кичик-кичик актёрлар гуруҳининг мактабларда, боғчаларда ҳам бўлиб томоша кўрсатишга буюртма берди.

— Бу бизга бирмунча оғирлик қилмоқда. Негаки, кўчма ҳолда спектакллар учун зарур жиҳозларнинг ҳаммасини ташиб юриш муаммо кетидан муаммони келтириб чиқармоқда. Биз истар эдикки, томошабин ўзи келиб, бизнинг сулим саройимизда спектакллар томоша қилса. Бу уларга ҳам, бизга ҳам яхши бўларди. Тўғрида, қўғирчоқ ўғилсин бинода томоша кўриш қайдаю, ярим-эрти декорация қурилан омонат жойларда... Бу ўнда мактаб ва боғчалар маъмурияти бизга ёрдам берсалар ёмон бўлмасди.

Шу лойиш суҳбатимизни эшикдан кирган нуруний мўсафид бузди. Ширин опа кекса отахонни иссиқ қарши оларкан, у тутқазган папкани олди.

— Ие, «Қўғирчоқ қўғирчоқ» ҳам битибди-да, — деди кўлиб.

— Менинг ёшимда (у 86 ёшда экан) юриб келиш осон эмас, қизим, ўғлимдан илтимос қилувдим йўл-йўлакчи ола келиди.

Ширин опа отахоннинг кўнглини кўтариб қузатиб қўйди.

— Ким бу?

— Раҳмат Азизхўжаев. «Қўғирчоқ қўғирчоқ» деган асарини олиб келибди.

Суҳбатимиз яна узилди. Телефонга чақиринибди. Қабулхонада ўтирганлар ҳам кўпчилик. Назаримда, Республика қўғирчоқ театри ҳақида анча маълумот тўплагандекман. Демак, кетсам бўлади. Директорнинг вақтини олмаслик учун ўринимдан турдим.

— Жума кўни премьерарага келинг. Ўзбек халқ эртаги асосида янги спектакль саҳнадаштираман, — деди хайрлашаётган Ширин опа.

Бу афсонавий эртакалар қалъасидан чиқар эканман, бино пештоқидида Качал полвон болабонини така-тумлатиб қалди. Гимнастикачи мисол чарх айланб гўё мени, бизни томошага чорлади.

Шарофат ИСКАНДАР ҚИЗ.

АКС САДО МУҲОКАМА НАТИЖАЛИ БЎЛСИН

Инсонпарвар жамият ва ҳуқуқий давлатни шакллантириш жараёнининг олмас қирраларидан бири халқ таълими соҳасидир. Қайта қуриш нефаси кириб келаватган инсон тарбиясининг дастлабки бўлини — мактабни ҳам шаклланди, ҳам мазмунан янгилаш тадбирлари «Маърифат» рўнома-маси муҳокамасига тавсия этган «Тўрт йиллик бошланғич мактаб йўриқномаси» лойиҳасида ҳам мужассамдир. Фурқат район халқ таълими ходимлари ҳам бу ҳужжатни атрофлича ўрганиб, ўз-ўзидан мулоҳазаларини билдириптилар. Маорифчилар лойиҳани маълумлаб, бундан деярли қирқ йиллар илгари таълим тизимидеда бошланғич мактабнинг самаралроқ бўлганлигини қайд этдилар ва шу аснода мазкур лойиҳани қўллаб-қувватладилар.

Лойиҳанинг афзаллиги томошабин кўли. Ёш болалар таълим ва тарбиясида уларга эришилган бериш, ортқиқ зерикишлардан ҳоли этиш, қизиқиш, қобилият, истеъдоди ва руҳий мойиллик даражаларининг биринчи навбатда эътиборга олиниши, ҳафталик ақлий машғуллар қаммининг қамайтирилиши аниқ мушоҳида, бундай йўналиш бошланғич таълимда кескин ижобий ўзгаришларга сабаб бўлади.

Муҳокамалар даврида кўп йиллик таълимга эга бўлган муҳокамасилар бир қатор асосли талаб ва тақлифларни ўртага ташладилар. 24-урта мактаб жамоаси — 1—2-синфларда бола сони 20 дан ошмаслиги, агар синфда 30 нафаргача ўқувчи бўлса, уларни икки гуруҳга бўлиб ўқитиш зарурлигини таъкидлайди. Шунингдек, 20-мактаб муаллимлари кўни узайтирилган гуруҳларни буткул тутатиш тарафдори бўлсалар, 29-урта мактабда ўғил ва қиз болалар биринчи синфдан бошлаб алоҳида гуруҳда ўқитишнинг мақсади мувофиқ деган ҳулосага келишган. Кўпчилик мураббийлар ўқувчи мактабга хос кийимда келса, яхши бўлади, бунинг учун миллидийий маънавият тақозо этган ягона кийим турини жоорий этиш керак, дейишмоқда.

Биз ҳам ўз жамоамизда, йилгилар ва давра суҳбатларида ўртага ташланган айрим фикрларни баён этмоқчимиз:

1. Тўрт йиллик бошланғич мактаб ташкил топар экан, мактабни битирувчилар Вазирлик кўрсатмасига асосан баҳорги (кўчирини) имтиҳон топширсинлар.

2. Ҳозирча бошланғич мактабларини умумтаълим мактабларидан ажратиб, алоҳида бино ва маъмурий тузилми ҳаракатларини белгилаб беришга давлат ҳазинаси оқилолик қилади. Шундай экан, мактаблар қошмадаги бошланғич синфларни мазкур йўриқнома асосида ташкил этиш, мактаб директорига муовин сифатида унга мудир тайинлаб, уларга мустақиллик бериш керак.

3. Тўрт йиллик бошланғич мактаб йўли режиси маълум, фақат факультетий соғллар ҳисобидан чет тилини киритишда, аввало, қайси тилини ўқитишни мактаб жамоаси танласин, ҳар бир районда ҳар хилликча ривож қилиш лозим, яъни инглиз, араб, турк, рус тиллари ўрганилавериши керак. Бунда, албатта, муҳтасаблар билан таълимчилик аҳолини ҳисобга олишга тўғри келади. (Айтмоқчимиз).

4. Йўриқноманинг 4-бўлимидаги учинчи ва тўртинчи хат бошидида қондалар шундай таҳрирда бўлса: «Дерслик тузишда илмий тафаккур мезон бўлади. Дерсликлар мазмунини, тузилишини, мундарижасини миллий, шарқона бўлиши билан бирга боланинг аши ва руҳий имкониятлари ҳисобга олиниб, мисоллар ва амалий фаолият кўрсатишга мўлжалланган бўлиши зарур».

Қолган барча изоҳли гаплар тушириб қолдирилса, маълум бўлади.

5. Дарс вақти 1—2-синфларда 20—25 дақиқа, 3—4-синфларда эса 30—35 дақиқа бўлиб, танаффусларни белгилаш мактаб педагогларига кенгашига қолса.

6. Йўриқномада тўғрараклар фаолиятини иш ҳақини мактаб ёки ота-оналар тўлайди, деб ёзилган. Тақлиф: маъсул этиб битта шахсда бўлиши керак — ҳақини агар мактаб берса, бу қонданги ёзиқнинг келаси йўқ.

Умуман, қондалар ва турли йўриқнома, низомавлар ҳақида шундай фикрдаликки, ана шу лойиҳалар эълон қилинганда бу ҳужжат қайси вазирлик тасарруфига кирадиган бўлса, унинг амалга ошириши билан боғлиқ тушунириш — шарҳларини ҳам ишлаб чиқишлари ва муҳокамадан ўтказишлари керак, деб ўйлайман.

Эргаш АБДУЛЛА, Фўргона вилояти Фурқат районидидаги 6-мактаб директори.

Муаллимдан: ушбу мактабнинг қалани «Маърифат»нинг ҳисоб рақамига ўтказишларини сўрайман.

Санд ШЕРМУҲАМЕДОВ, Фалсафа фанлари доктори, профессор.

Абдувоҳид ОЧИЛДИЕВ, ТошДД Фалсафа кафедрасининг ўқитувчиси.

ДИЛДАН ТИЛГА КЎЧГАН ТУЙҒУЛАР

Ҳозирги даврда миллий маданиятга янгича муносабат, унда кеңайган жараёнларнинг янги таълими бадий, публицистик, шунингдек, илмий асарларда ўз ифодасини топмоқда. Ана шундай илмий эланишлардан бири — фалсафа фанлари доктори, профессор Қ. Хоназаровнинг «Тил ва дил» (Т., «Ўзбекистон», 1991 й.) рисоласида келтирилган таълимчилик ҳақидаги фикрларимиз ҳар қандай қайғурганимиз билан дилмиздан тилимизга чиқмас, чиққанда ҳам натижасиз қолди келар эди. Негат Бу кўр-қоқликдан эдимки! Ёки бўлаётган жараёнларни нормал, табиий ҳодиса деб тушуниш оқибатида? Ёки жамият, ақлининг ва янги идеология, ақлининг шароитида тил ривожланишига ҳукмрон қарорлардан ўзгача муносабатда бўлиш мумкин эмасми? Албатта, мумкин эди. Сергак эдилар миллий ҳаётдаги салбий жараёнлар ҳақида ўз ақидада бонг урган эдилар. Лекин, афсуски, уларнинг нидолари ҳамма вақт ҳам халқ элимига етиб бормасди. Хусусан, профессор Қ. Хоназа-

ровнинг миллий тилларнинг қийин аҳолини кўриб, ўрганиб ҳақида В. И. Лениннинг давлат тили тўғрисидаги қарорлари ва Кавказорди республикалари таърихисига таъна ҳолда миллий тилларга давлат мақоми бериш зарурлиги ҳақидаги илмий эланишлари унинг илмий рисолабери мундарижасидан бир неча марта чиқариб ташланганлиги бизларга маълум. Шу маънода муаллимнинг мазкур рисоласининг «Тил ва дил» деб номланганининг эътиборга олинишига эътибор қилишимиз зарур. Шунинг учун револуция ғалабадан кейин тил ёлиб синф манфаатларига бўйсундирилмоғи, унга хизмат қилмоғи лозим. Миллий тиллар бошига тушган кулфатларнинг сабабларидан яна бири ва энг асосийси Сталиннинг ВКП(б) XVI съездида (1930 й.) олга сурган социализм мустақиллигини сари миллатлар ва миллий тилларнинг янгилашиб, қўшилиб кетиши назарисиз бўлди», — деб ёзди муаллиф (4-бет). Ҳақиқатан, миллатлар, миллий маданиятлар, тиллар бошига ёлган бутун «ёло-қазо» ана шу «қоли» ҳукмини ҳаётга таъдиқ этишга уринишлар натижасида пайдо бўлди: миллат тақдир-

даги салбий ҳодисалар, умуман миллий тараққиётга негати жараёнлар каби, аввало, назарий соҳада қўйилган ҳалол билан боғлиқ. Агар масаланинг туб моҳиятига эътибор билан қарайдиган бўлсак, айниқса, миллий тиллар соҳасида узоқ вақт тилшуносликда ҳукмрон бўлган Н. Я. Маррнинг ғайриилмий қарашлари чўқур из қолдирганининг гувоҳи бўламиз. Марр фикрича, жамиятда «қалма нарса, шу жумладан, тил ҳам синдийди». Шунинг учун револуция ғалабадан кейин тил ёлиб синф манфаатларига бўйсундирилмоғи, унга хизмат қилмоғи лозим. Миллий тиллар бошига тушган кулфатларнинг сабабларидан яна бири ва энг асосийси Сталиннинг ВКП(б) XVI съездида (1930 й.) олга сурган социализм мустақиллигини сари миллатлар ва миллий тилларнинг янгилашиб, қўшилиб кетиши назарисиз бўлди», — деб ёзди муаллиф (4-бет). Ҳақиқатан, миллатлар, миллий маданиятлар, тиллар бошига ёлган бутун «ёло-қазо» ана шу «қоли» ҳукмини ҳаётга таъдиқ этишга уринишлар натижасида пайдо бўлди: миллат тақдир-

да бошқача муносабатда бўлган, ҳар бир миллий тилнинг таъбиғий улуғ ва тақдорларга масъулият деб билган, уларнинг қўшилиб кетиши ҳақидаги қарашларини рад этган миллий эътиборли миллатчилар сифатида қатъон этилди, миллий эътиборлар юқоридан келган бўлибди асосида, «халқ бодунисини ифода этиб» бир неча марта ўзгартрилди, демакки, халқлар бир неча марта саводсизликка дучор қилинди, тилларнинг қўшилиб кетиши байроғи остида миллий тилларнинг ривожланишига тўқтиндирилган ҳолда руслаштириш жараёни бошлаб юборилди.

Мулоҳаза юритилаётган рисоланинг ижобий томонларидан яна бири шундаки, миллий тиллар ривожланишидаги салбий оқибатлар рад қилиб бўлмайдиган далиллар асосида да афродича тахлил этилган. Хусусан, миллий тилларнинг руслаштириш сиваси натижасида қандай аҳолига тушиб қолганиниги бу тилларда китоб нашр қилиш мисолида яхши очиб берилган. Муаллиф соёқ СССРда эълон қилинган расмий маълумотларни тахлил этиб, 1960—1985 йил-

лар орасида Иттифокдош республикалар тилларида китоб нашр қилиш 17,6 фоизга камайганини, мухтор жумҳуриятлар ва вилоятларда эса бу кўрсаткич 44,5 фоизга тенг бўлганини исботлаб беради.

Юқоридида рақамларнинг ўзиёқ ўз вақтида расмий ҳужжатлардан ҳужжатларга кўчиб юрган ва бутун дунда ёйқаннос солинган «СССРда миллатларнинг ривожланиши ва равнақи тезлашмоқда», деган ҳулосалар қанчалик асосиз бўлганлигини ва жамиятда элдош ва сурбетларча ёлган гапирини ҳар даражада етганлигини яққол кўрсатиб турибди.

«...Сталиннинг ва турғунлик маданияти ва, шу жумладан, нутқ маданияти ниҳоятда сохталашиб, ҳақиқий ҳаёт талабларидан орқада қолиб кетди», деб қўбониб ёзган муаллифнинг ўша давр, ўша муҳит ҳақида чиқарган тўғри ва одил ҳулосасидир.

«Тил ва дил» рисоласи ҳақида фикр юритар эканман, айрим таъкидий мулоҳазаларни ҳам билдирмоқчимиз. Хусусан, муаллиф Сталиннинг тилларнинг қўшилиб кетиши

ҳақидаги назариясини марксизм-ленинизмга эид ҳодиса сифатида баҳолайди. Бизингча, масалага бундай қараш унчалик ўрилли эмас. Чунки миллатларнинг йўқ бўлиб кетиши, қўшилиши ҳақидаги гоъни марксизм-ленинизм классиклари, хусусан В. И. Ленин ўзининг «Ўз тақдирини ўзи белгилаш тўғрисидаги мунозаранинг якуналари», «Социалистик револуциянинг ўзи белгилаш ҳуқуқи» номи таълиқларида шундай деб ёзди: «Социализмнинг мақсади инсониятнинг майда давлатларга бўлинишини ва миллатларнинг ҳар қандай айрилигини йўқ қилишгина эмас, миллатларни бир-бирига яқинлаштиришгина эмас, балки уларни қўшиб қамдир» (ТАТ, 27-том, 296-бет). Шундай экан, Сталиннинг қарашлари марксизм-ленинизмдан чекинми эмас, балки унинг конкретлаштирилиши, ҳаётга таъдиқ қилиниши эди. В. И. Ленин бу жараёни табиий деб қароган ҳолда, уни сунъий тезлаштиришга қарши эди. Сталин эса бу жараёни жадаллаштиришга ҳаракат қилди, холос. Кўришиб турибдики, моҳият, мақсад битта, фарқ фа-

қат услубда ва масалага ёндашишда.

Гапнинг сирасини айтидиган бўлсак, Кўчор Хоназаровнинг «Тил ва дил» рисолада фикрлар изчиллиги яққол сезилиб туради. Юқоридида масалага турли йилларда турлича, гоҳ денгвал ва очикчегисга, гоҳ эса бироз юмшоқлик билан, бироз пардалироқ қилиб ёндашилганлиги ва бу фаолиятнинг оқибат натижасини ҳурматли олимимиз мазкур рисолада жуда ҳаққонийлик билан таққослаб, тахлил этиб беролгани фанимизнинг ютуғи бўлди, десак хато бўлмайди.

Бази бир жузъий камчиликлардан қатъи назар, профессор Қ. Хоназаровнинг биз тақлид этган «Тил ва дил» рисоладаги мазкур чўқур мунозаралорлиги, услубининг равонлиги билан кенг китобхонлар оммасига манзур бўлади, деб ишонч билдириб қоламиз.

Санд ШЕРМУҲАМЕДОВ, Фалсафа фанлари доктори, профессор.

Абдувоҳид ОЧИЛДИЕВ, ТошДД Фалсафа кафедрасининг ўқитувчиси.